



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 19 октябрь, № 214 (8837)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА СОЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИГА

Қадри дўстлар!

Аввало, сиз, аэтиларни мамлакатимиздаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан бири — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чўқур хўрматим ва эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ушбу кўтулғ айёмда Янги Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш орқали миллий генофондимизни асраш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек гоят шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Марказнинг кўп миллатли аҳил жамоаси — жонқуяр шифокорлар, олим ва мутахассислар, заҳматкаш ҳамшираларга фидокорона меҳмати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнги йилларда инсон кадрини улуғлашга қаратилган дастурларимиз доирасида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас. Чунки бу юртимиздаги ҳар бир инсон ва оила, бутун жамиятнинг бахти ва келажаги билан боғлиқ гоят муҳим масаладир.

Шу мақсадда тиббиётимизнинг ушбу

етақчи тизими илғор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида ислоҳ қилиниб, унинг моддий-техник, илмий-методик базаси, кадрлар салоҳияти, таркибий тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Айниқса, ўтган йили тарихий анъаналарга эга бўлган ўрта муассаса негизига Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этганимиз бу йўлдаги катта қадам бўлди. Натижада мамлакатимизда 9 миллион 200 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёлларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомила саломатлигини назорат қилиб боришнинг яхлит ва вертикал бошқариш тизими яратилди, такомиллаштирилган тиббий профилактика ҳамда патронаж хизматлари йўлга қўйилди.

Бу ҳақда сўз юритганда, илк бор юртимиздаги ҳар бир оила патронаж ҳамширалар ва Аёллар маслаҳатхонаси бўлимлари орқали Марказ билан боғлангани, бирламчи бўлиндаги тиббий бригадалар таркибига 8 минг 500 нафар доя штати ажратилганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Марказ ўз таркибиди 14 та худудий филиал, 46 та туманлараро пери-

натал марказ, 170 дан ортиқ туғуруқ комплекси ва 209 та Аёллар маслаҳатхонасини бирлаштиргани унинг улкан салоҳиятидан далолат беради. Бу эса ана шу муассасалар ишини самарали мувофиқлаштириб, бирламчи тизимда патронаж хизматини сифатли йўлга қўйиш, ҳомиладор аёлларни скринингдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш, бир сўз билан айтганда, хавфсиз оналикни таъминлаш имконини бермоқда.

Марказ дунёдаги етақчи тиббиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, тиббий диагностика ва даволашнинг илғор усуллари клиник амалиётга кенг жорий этаётгани ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, гинекология йўналишида йилга 1300 дан ортиқ жарроҳлик операциялари муваффақиятли амалга оширилаётгани, 36 турдаги юқори технология операциялар йўлга қўйилгани қанча-қанча юртдошларимизни ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, чет элга бориб даволаниш ташвишидан халос этмоқда.

Марказ юртимиздаги давлат даволаш муассасалари орасида биринчи бўли халқаро аккредитациядан ўтгани унинг нуфузи на-

фақат юртимизда, балки хорижда ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Инсон, жумладан, она ва бола саломатлигига нисбатан хавф-хатарлар тобора кўпайиб бораётган ҳозирги мураккаб замонда бу борада олдимизда янада долзарб вазибалар пайдо бўлмоқда. Бу эса барчамиздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат, изланиш ва сафарбарлиқни талаб этмоқда.

Ушбу соҳанинг фидойи вакиллари бўлган сиз, аэтилар буни чўқур англаган ҳолда ўз билим ва тажрибангиз, қадриятингиз билан эл-юртимизга янада фаол хизмат қиласизлар, деб ишонаман.

Ўз навбатида, соҳа ривожига алоҳида аҳамият бериш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни муносиб рағбатлантириш бундан буюн ҳам давлатимизнинг эътибор маркази бўлади.

Сизларни бугунги қувончли сана билан яна бир бор чин дилдан қўтлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга тинчлик ва бахту саодат тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турлари кенгайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди, шунингдек унинг ҳузурида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколатларини, шунингдек аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турларини қонун ҳужжатларида аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг зиммасига дафн этиш учун нафақани бериш вазифасини юклатишга, унинг хотин-қизларни таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилашга, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этишга тааллуқли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун даволаш муассасасининг ҳулосаси талаб этилмаслиги, шунингдек ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, шунингдек вассийликдаги шахсининг мол-мулкни тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этилиши белгиланмоқда.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини ёки биометрик паспортни алмаштиришда давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларни вақтинча рўйхатга олишда ҳам давлат божи ундирилмайди. Шунингдек етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан иқтисодий бозордан олинган уй-жойни уларнинг номига расмийлаштириш учун нотариал ҳаракатларни амалга оширишда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун билан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳоимйлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилиши назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТНИНГ БАХТИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР МАСАЛА

Фақат соғлом онадангина соғлом авлод дунёга келади. Соғлом фарзанд эса ҳар бир оиланинг қувончи ва бахтидир. Мамлакатимизда оналар саломатлиги, болаларнинг соғлом туғилиши ва улғайишида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг алоҳида ўрни бор.

Соғлиқни сақлаш

Мамлакатимиздаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан бири бўлган мазкур марказ ташкил қилинганнинг 50 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда бу алоҳида эътироф этилди. Унда Ҳукумат аъзолари, сенатор ва депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизимга қарашли даволаш-профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув

юртлари масъуллари ҳамда хорижий олимлар ва соҳа фахрийлари қатнашди.

Президентимизнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази жамоасига табригини Президент Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари

Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, сўнгги йилларда инсон кадрини улуғлашга қаратилган дастурлар доирасида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётгани, албатта, бежиз эмас. Чунки бу юртимиздаги ҳар бир инсон ва оила, бутун жамиятнинг бахти ва келажаги билан боғлиқ гоят муҳим масаладир.

Айтиш жоизки, дунёда ҳар куни қўллаб аёллар турли касалликлар ортидан юзага келаётган оғир асоратлар туфайли ҳомиладорлик ва туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЖАМОАТЧИЛИК ИШОНЧИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан қўллаб муҳим масалалар, жумладан, омонатларни кафолатлаш тизимини ислоҳ қилиш, микроолиялаштириш соҳасини такомиллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

Банклардаги омонатлар кафолатлангани

“Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан омонатларни кафолатлаш тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, банк тизимининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш, уни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада иқтисодий инқирозларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш мақсадида кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси белгиланяпти.

Шунингдек, омонатларни кафолатлаш тизимини нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ қилиниши мустаҳкамлаб қўйилаяпти.



21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ОНАДЕК МЎЎТАБАР ТИЛИМИЗ

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 35 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини кўтариш, миллатлараро мулоқот воситасига айлантириш учун кўп ишлар қилинди. Аммо миллат зиёлилари олдида минг йиллар қаъридан етиб келган сўз жавоҳирларини асраб-авайлаш, бордини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топишдек улкан вазифа турибди. Филология фанлари доктори, профессор Низомиддин МАХМУДОВ билан сўхбатимиз бугунги кунда давлат тилини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, олдимизда турган вазибалар, ёш авлодда она тилига меҳр-муҳаббат, ҳурмат уйғотишда қайси жиҳатларга эътибор бериш масалалари ҳақида бўлди.

— Ўзбек тилининг ривож аҳамиятсиз ҳисобланган, тилимизнинг бойлиги ва улуглиги тўғрисида гапириш миллатчилик саналган даврлар ўтди, — дейди Н. Махмудов. — 1989 йил

21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган ҳаётимизда муҳим бурилиш ясаган бўлса, 1990 йил 19 февралда ушбу қонунни амалга ошириш учун давлат

дастури тасдиқланди. Шу тариқа 21 октябрь санасини “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун” сифатида нишонлаб келдик.



Сиромидин ВОХИДОВ олган сурат.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» СДП номидан «Иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлаш — ижтимоий тараққиётнинг муҳим пойдевори» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

ОЧИҚЛИК ВА ЭРКИН РАҚОБАТ МУҲИТИ

Кеча “Дебат-холл” медиамарказида навбатдаги баҳс ташкил этилди. “Илм-фан, таълим, ёшлар сиёсати масалалари” мавзуга бағишланган дебатда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари, журналист ва блогерлар қатнашди.

Дебат

Бахснинг 1-раундида партияларнинг сайловолди дастурларида илм-фан, таълим, ёшлар сиёсати оид масалаларга нечоғли эътибор қаратилгани диққат марказда бўлди.

Чунончи, ЎзХДП вакили Феруза Мадрахимова партия томонидан “Ягона ижтимоий реестр”да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар тўловида имтиёзлар бериш, давлат умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида кўни узайтирилган гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш каби қатор таклифлар илгари суриллаётганини маълум қилди.

“Адолат” СДП вакили Ойдин Абдуллаева партия Сайловолди дастурида давлат мактабгача таълим муассасаларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибини такомиллаштириш, бу борада “очиқ он-лайн рўйхат” ташкил этиш, сўний интеллект асосида “ақли мактаб” дастурини таълим тизимига татбиқ қилиш, умумтаълим мактабларида Робототехника фанини жорий этиш каби таклифлар ўрин олганини таъкидлади.

ЎзЛиДеп вакили Умид Ёкубхўжаев илм аҳли ва иходкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ишларни давом эттиришга оид

партиянинг илғор гоёларини илгари сурди.

“Миллий тикланиш” ДП вакили Шаҳноза Жолдасова партия “оила — қадриятлар бешиги” эканини чўқур англаган ҳолда ёшларга оила ва никоҳнинг муқаддаслигини англашти учун барча шарт-шароитни яратиш учун иштилоини маълум қилди.

Экологик партия вакили Наврўз Юсупов эса партия экологик маданиятни оилалардан бошлаш, яъни оилаларда “яшил” истеъмол маданиятини ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

Дебатнинг 2-раундида партиялар вакиллари электрат томонидан йўлланган саволларга атрофича ва дадил жавоб беришди.

Дебатнинг 3-раунди том маънодаги рақобат муҳитини акс эттирди, десак, асло янглишмаймиз. Чунки партия вакилларининг бошқа партия спикерига долзарб, ўткир саволлар билан мурожаат қилиши, қолаверса, партиялар фаоллари баҳсга киришган аэзоларини қўллаб-қувватлаб туришгани сиёсий жараёнларнинг шаффоф, очиклик тамойиллари асосида ўтаётганини аққол намоён этди.

4-раундда эса ҳар бир сиёсий партия вакили сайловчиларга мурожаат қилиб, уларни сайловларда фаол иштирок этишга ва ўзларининг номзодларига овоз беришга қақирди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга, шунингдек ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизimini такомиллаштиришга ҳамда уларнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда; № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 10, 979, 982-моддалар; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 11, 924-модда; 2024 йил, № 3, 246-модда) **37-моддаси биринчи қисмининг «д» кичик банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«д) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишнинг тартибга солиш тўғрисида**»ги 278–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) **1-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) **6-моддасининг тўртинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига – умрбод таъминлаш шарти билан ўйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, шунингдек васийликдаги шахсининг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар»;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишинча **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида**»ги ўРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **9-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Улик бола туғилган ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси ичида вафот этган (перинатал ўлим) тақдирда, дафн этиш учун нафақани тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотномага асосан, қолган барча ҳолларда эса шахсининг ўлими ҳақидаги гувоҳномага асосан, мурожаат этилган кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан амалга ошириладиган».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги ўРҚ–561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **6¹-модда** билан тўлдирилсин:

«6¹-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни, стратегияларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади;

таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мониторингини ўтказади;

таъзиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатади;

низоли вазиятларни профилактика қилишга, таъзиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурларни ва услубий тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини мониторинг қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) 12-модданинг:

номин қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. **Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**»;

биринчи хатбошисидаги «Камбағалликни қисқартириш ва

бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади»;

3) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ўРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда) **317-моддасининг 7-банди** «меценатлик қўмагини кўрсатиш» деган сўзлардан кейин «ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ўРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, №2, 103-модда, №3, 186-модда, №4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг:**

43-бандидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

44-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«44) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир давволар, аризалар ҳамда шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **45-банд** билан тўлдирилсин:

«45) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари:

таъзиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан;

болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган деб топил тўғрисидаги, уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этиш, болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш ҳақидаги, шунингдек, агар ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг ўз болалари билан биргаликда яшаши мумкин эмас деб белгиланса, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

огир аҳволга тушиб қолган ва огир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини қўлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилингандан»;

2) **10-модданинг биринчи қисми:**

17-бандидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **17¹-банд** билан тўлдирилсин:

«17¹) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари – огир аҳволга тушиб қолган ва огир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини қўлаб берилган аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

3) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **19-банд** билан тўлдирилсин:

«19) етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар – улар учун давлат томонидан иккиламчи бозордан олинган уй-жой уларнинг номига расмийлаштириб берилганлиги учун»;

4) **13-модданинг учинчи қисми** «жабрланган жисмоний шахслар» деган сўзлардан кейин «ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **15-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Муайян яшаш жойига эга бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги уй-жой фондида эга бўлган муассасаларга вақтинча турган жойи бўйича олти ой муддатгача руйхатга қўйилаётганда улардан давлат божи ундирилмайди»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ўРҚ–682-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубёғнининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **102-бандига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан – аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш масалаларига доир лойиҳалар»;

олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча **еттинчи – ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь
№ ўРҚ—977

Жараён

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ: ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

18 октябрь куни Сенат ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистоннинг миграция стратегияси лойиҳаси ва ушбу стратегияни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳаси бўйича вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан берилган таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Муҳокамалар натижасида аксарият таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиладиган лойиҳани такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида билдирилган таклифлар, тавсиялар ҳамда фикр-мулоҳазалар асосида лойиҳа маромига етказилиши ва тез орада Ҳукуматга киритилиши белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Мулоқотларда аҳоли мурожаатлари бирламчи

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг республикамиз туман ва шаҳарларида аҳоли билан учрашувлари ташкил этилмоқда.

Сенаторлар — ҳудудларда

Хусусан, Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикилини таъминлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Маҳмуд Парпиев Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Наманган, Байналмилал, Зафар Дибёр, Дамарик, Ўзбекистон каби маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги”, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан мулоқот ўтказди.

Мулоқотлар давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги фаолияти самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга қўмаклашиш, ёлғиз кекса, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг натижадорлигига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, сенатор тумандаги қатор умумтаълим мактабларида бўлиб, ота-оналар ва ўқув муассасалари мутасаддилари билан ҳам учрашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувларда бугун-

ЖАМОАТЧИЛИК ИШОНЧИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қилинган ҳисоб-китобларга кўра кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси белгиланиши Ўзбекистонда 99,7 фоиз омонатчиларнинг банклардаги маблағлари кафолатланишини таъминлайди. Кафолатланган омонат миқдори чеклангани банкларни фуқаровий жавобгарликдан озод этмайди. Шундан келиб чиқиб, омонатчилар пул маблағларининг кафолатланган омонатдан ошган қисmini банкдан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар банк тизими барқарорлигини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг маблағлари бут сақланиши ҳамда жамоатчиликнинг банк тизимига ишончини оширишга хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўламини ошади

Мажлисада иккинчи ўқишда қўриб чиқилган — микромолиялаштириш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатиш ваколатига эга бўлган юридик шахс — микромолия банклари институтини жорий қилиш таклифи этилмоқда. Бунда микромолия ташкилотларининг микромолия банкларига ва микромолия банкларининг тижорат банкларига айланиши учун ҳуқуқий асос яратилди.

Шунингдек, микромолия банки томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари, микромолия банки устав капиталининг энг кам миқдори ҳамда Марказий банкнинг микромолия банки фаолиятини тартибга солишга доир вазифалари белгиланмоқда.



Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси жойларда банклар ва молия ташкилотлари томонидан молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда ҳудудларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўламини ошириш имконини беради. Шу билан бирга, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда масъуллик

Депутатлар “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан соҳада қўлланаладиган асосий тушунчаларга таъриф берилган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини тартибга солиш қондалари асос этиб, унда Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларига аниқлик кирдирилипти ҳамда ушбу соҳага оид тадбирларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокига доир нормалар ифодаланган.

Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳасида Қишлоқ хўжалиги вазир-

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ — ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўзининг 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида партия олдида турган устувор мақсад ва вазифалардан бири сифатида **иқтисодий эркинликни таъминлаш орқали давлат иштирокни сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти**, шунингдек, **адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини** амалга оширишга қаратилган қатор муҳим ғоя ва ташаббусларни таклиф этмоқда.

Партия мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири, деб билади. Бунда асосий эътиборни даромадларни адолатли тақсимлаш орқали жамиятда табақалашувнинг олдини олишга қаратади.

Мақсадимиз — иқтисодий фаолият натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлаш

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодий йўналишида фуқароларимизнинг даромадидан тўланадиган солиқларнинг шаффофлиги ва адолатли тақсимланиши асосий масала сифатида белгиланган.

Партия ушбу мақсадни амалга оширишда солиқлар ва бошқа қайта тақсимлаш воситалари орқали аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, **“кўп даромад топган кўп солиқ тўлайди”** тамойилига кўра ҳамда адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш мақсадида солиққа тортишнинг **прогрессив ставкаларини** ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт экани, шунингдек, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги белгиланган.

Биламизки, Давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисmini айнан солиқ ва йиғимлар ташкил қилади. Бюджет даромадларининг шаклланиш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига аниқ ва равшан белгиланган. Булар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шакллантирилади. Хусусан, Давлат бюджетининг даромадлари 2017 йилда 49,7 трлн. сўмини ташкил қилган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 231,2 трлн. сўмга етказилган.

Шу боис биз ижтимоий адолат йўлида иш ҳақи ва бошқа даромад турларига нисбатан солиққа тортишнинг **прогрессив ставкаларини** жорий этиш масаласини кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозир Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ойлик машинанинг 12 фоизини ташкил қилади. Мазкур ҳолатни оддий мисол билан тушунтирадиган бўлсак, ҳозирда 3,0 млн. сўм ойлик маош оладиган ходим ҳам, 30,0 млн. сўм иш ҳақи оладиган ходим ҳам бир хил ставкада даромад солиғи тўлаб келмоқда.

Бундай тизимнинг жорий этилиши натижасида юқори маош олмайдиган фуқаролар бугунга нисбатан камроқ солиқ тўлайди, юқори маош оладиган ходимларнинг тўлайдиган солиқлари эса ошади, давлатга жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлашида ижтимоий адолат янада кучлироқ намоён бўлади.

Агар халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, дунёнинг кўплаб мамлакатларида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласи қўлланилади. Жумладан, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг прогрессив шкаласи **АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Франция, Италия** ва ривожланган иқтисодиёт, юқори иш ҳақи ҳамда аҳолининг юқори турмуш даражасига эга бўлган бошқа қатор мамлакатларда узоқ йиллардан бери самарали қўлланиб келинмоқда.

Ушбу мамлакатларда табақалаштирилган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган: **АҚШ** — 10 фоиздан 37 фоизгача, **Канада** — 21 фоиздан 33 фоизгача, **Австралия** — 17 фоиздан 45 фоизгача, **Германия** — 19 фоиздан 53 фоизгача,



Франция — 10 фоиздан 47 фоизгача, **Италия** — 23 фоиздан 43 фоизгача ва ҳоказо.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг мутаносиб моделидан прогрессив моделига ўтиш жараёнида фуқароларнинг солиқ масъулиятини ошириш, солиқларни ҳисобга олиш, йиғиш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бошқа сиёсий партиялар ҳам солиқ сиёсати борасида ўз ташаббусларини илгари сурмоқда. Умуман олганда, солиқлардан мақсад даромад манбаи бўлиб қолмаслиги керак. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида солиқ учун зарарли маҳсулот гуруҳларига солиқ юқини ошириш ва шу орқали соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш таклиф қилинган. Албатта, аҳоли саломатлиги барчамиз учун энг муҳим вазифа саналади. Аммо бу дегани агар тадбиркор ортиқча солиқ юкига рози бўлса аҳоли саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши мумкин дегани эмас. Солиқ сиёсатини амалга оширишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган ҳолатларда бошқа барча жараёнлар учун тенг бўлган давлат сиёсатини юритиш даркор.

Партиянинг сиёсий **майдондаги ўрни ҳамда сиёсий мафкурасидан** келиб чиққан ҳолда ушбу йўналишда илгари суратган яна бир ташаббуси бу — **аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари тоифасига** кирган шахсларни ишга қабул қилганлик учун **солиқ имтиёзларини** белгилашдир.

Бугунги кунда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдоридан субсидия бериб келинмоқда.

Ўтган вақт давомидаги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, биргина 6 ойлик имтиёзнинг жорий қилиниши жамиятимизда кўплаб имконияти чекланган шахсларнинг ишли бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этган. Шундан келиб чиққан ҳолда партия ушбу амалиётни солиқ сиёсати билан уйғунлаштириш, хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари тоифасига кирган шахсларни ишга қабул қилиш тадбиркор ва корхоналар учун **солиқ имтиёзларини** қўллаш зарур, деб ҳисоблайди.

Тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоида фақат қонунлар орқали жорий қилиниши лозим

Бугунги кунда тадбиркорларнинг кичик бир хатоси ҳам улар фаолиятига бевосита таъсир қилаётгани айрим ҳолатларда уларда шаффоф тизим орқали ишлашдан манфаатдор бўлмаслиқни юзага келтирмоқда.

Ҳозирда ҳуқуқбузарлиқни бир йил давомида биринчи марта содир этганлик учун жарима реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорағида олинган соф тушумнинг 2 фоизи, бир йил давомида такрор содир этилганда эса охириги ҳисобот чорағида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдоридан молиявий санкция белгиланган.

лик ва ишонч бағишлайди. Бу, ўз навбатида, бизнесдаги таваккалчиликларни камайтиришга ҳамда иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Имтиёзларнинг аниқ соҳаларга берилиши тарафдоримиз

Партия дастурида иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизmlарини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу

боис партия божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, **имтиёзларнинг шахсларга эмас, аниқ соҳаларга берилишини таъминлаш** тарафдори.

Биламизки, аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари айнан маълум бир соҳада ишлаб чиқаришни ёки маълум бир ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Бу борада бизда ҳам солиқ имтиёзлари, аввало, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда ички бозорни сифатли, ҳаёт учун энг зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини мақсадли ривожлантиришда ва самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишда муҳим ўрин тутайди.

Бироқ ушбу имтиёзлар айрим ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчига эмас, балки ушбу соҳадаги барча ишлаб чиқарувчига берилиши зарур. Бу эса адолатли рақобатни таъминлаб, монополистик фаолиятни чеклайди. Қолаверса, барча учун тенг имкониятлар берадиган солиқ имтиёзлари жорий этилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга, янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга, келгусида бюджетга солиқ базасининг салмоқли кенгайишига ва албатта, бюджет даромадлари тушумларининг ошишига хизмат қилади.

Кичик саноат зоналари ҳудудлар иқтисодий ривожини тезлаштиради

Партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари, саноат кластерларининг муҳимлигини инобатга олиб, “Кичик саноат зоналари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилмоқда. Чунки кичик саноат зоналари бошқа ҳудудларда мавжуд бўлмаган имкониятлар, имтиёзлар ва инфратузилмавий афзалликларга эга бўлади.

Кичик саноат зоналари ҳудудлар иқтисодий ривожини тезлаштиради

Партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари, саноат кластерларининг муҳимлигини инобатга олиб, “Кичик саноат зоналари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилмоқда. Чунки кичик саноат зоналари бошқа ҳудудларда мавжуд бўлмаган имкониятлар, имтиёзлар ва инфратузилмавий афзалликларга эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-

қувватлаш борасида тизимли иқтисодий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўзига хос ўрин тутувчи кичик иқтисодий зоналарнинг янада ривожлантирилиши бюджетга солиқ тушумларини янада ошириш, аҳоли учун муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, энг муҳими янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятини тақдим этади.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштиришни назарда тутувчи ушбу ташаббус ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражада кўтариш имконини беради.

Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш тарафдоримиз

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси **кишлоқ хўжалигини жадал инновацион ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш** яқин келажақда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беради, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун:

- олий таълим тизимида кишлоқ хўжалиги соҳасидаги касблар ва мутахассисликлар бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш квоталарини ошириш;

- замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиш;

- кишлоқ хўжалигида табиат инжиқликлари, сув танқислиги, ер шўрланиши каби хатарлар ортиб бораётгани сабабли аграр суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, “Кишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

- аҳолига арзон гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида гўшт етиштиришнинг ноанъанавий йўналишларини, хусусан, паррандачилик, қуёнчилик, балиқчилик каби тармоқларни ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш;

Таъкидлаш лозимки, партия дастуридаги барча йўналишда бўлгани каби иқтисодий йўналишда ҳам илгари сурилган илгор ғоя ва ташаббусларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши келгуси беш йилликда аҳолига қулайликлар яратиш билан бир қаторда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожини ҳам таъминлайди.

Адолат бор жойда ҳаёт барқарор, тараққиёт бардавом!

— “Тез ветеринария ёрдами” хизматини жорий этиш, ветеринария соҳасига янги инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш орқали соҳани янада ривожлантириш, замонавий зоотехник кадрлар тайёрлашга бўлган эътиборни кучайтиришни таклиф қиламиз.

Бу ғоя ва ташаббуслар қишлоқ хўжалигига инновацияларни кенг татбиқ этиш, соҳани илмий асосда ташкил қилиш, мутахассис кадрлар салоҳиятини ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам партиянинг мазкур дастурий ёндашувлари аграр тармоқнинг барқарор ва жадал ривожига, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Умуман олганда, партиянинг қишлоқ хўжалигини модернизациялашга қаратилган савий-ҳаракатлари юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш — давр талаби

Партиямиз узоқ йиллардан буён **муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш** ғоясини илгари суриб келмоқда. Партия иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежамкорлигига эришиш мақсадида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан, келгуси 5 йилликда мавжуд энергия қувватларининг камида **30 фоизини** муқобил энергия манбалари ташкил этишига эришиш, жаҳоннинг илгор технологияларига асосланган ҳолда миллий автосаноатда электр двигателли енгил автомобиллар, автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 2030 йилга қадар ички ёнув двигателли **транспорт воситаларининг камида 30 фоизини экологик тоза транспорт воситаларига** алмаштириш масалаларини ҳаётга татбиқ қилади.

Шунингдек, **энергия тежамкор қурилиш меъёрларини қабул қилиш**, энергия самарадорлигини оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш, оилаларда энергия юқини камайтиришга ёрдам берадиган самарали уй иситиш тизимларини жорий этишни рағбатлантиради.

Маълумки, ҳозирги пайтга келиб энергиядан фойдаланиш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис сайловлар вақтида барча сиёсий партиялар томонидан ўз дастурларида муқобил энергия манбаларини борасида қатор ташаббуслар илгари сурилган.

Жумладан, Ўзбекистон Экологик партияси дастурида 2050 йилгача 60 — 80 фоз уйларнинг иситиш тизимини қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қопланишини ташкил этиш бўйича дастур қабул қилиш ташаббуси айтилган.

Албатта, бир қарашда ушбу ташаббус аҳоли учун жозибадор таклиф бўлиб қўриниши мумкин, аммо аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилларсиз бу ташаббусни амалга ошириб бўлмайди. Қолаверса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда етакчи натижаларга эришиб келаётган мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич ўтган вақт давомида, Экологик партия вакиллари айтганидек, 60 — 80 фоизлик кўрсаткичга етказилмаган.

Мазкур масала бўйича партия кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатишни қўллаб-қувватлайди. Электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида магистраль йўллари қуёш панеллари ёрдамида ёритиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда кўп қаватли уйларда энергияни тежаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни таклиф этади.

Мақсуд ҚҮРБОНБОВЕ,
Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатигига номзодлар.

ЖАМИЯТНИНГ БАХТИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР МАСАЛА

Шунингдек, бундай омиллар таъсирида минг-минглаб аёллар ва болалар ногирон бўлиб қолади. Бунга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳаётимиз давомчиси, оила таянчи, фарзанд тарбиячиси бўлган аёллар ва келажақ насллар саломатлигига таҳдид солаётган бундай муаммолар юртимизда она ва бола саломатлигини асраш масаласига давлат даражасида қаратилаётган эътиборнинг аҳамияти нечоғли юксак эканини янада теран ифода этади.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тизим илгор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида ислоҳ қилиниб, унинг моддий-техник, илмий-методик базаси, кадрлар салоҳияти, таркибий тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Айниқса, ўтган йили тарихий аъналарга эга бўлган учта муассаса негизига Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, мамлакатимизда барча туғиш ёшидаги аёлларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомила саломатлигини назорат қилиб боришининг ахлият ва вертикал бошқариш тизими яратилди, такомиллаштирилган тиббий профилактика ҳамда патронаж хизматлари йўлга қўйилди.

Тадбирда “Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги Президент Фармониغا мувофиқ соҳа фидойилари фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз эгаларига топширди.

Анжуман доирасида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хорижий тиббиёт олимлари ҳамда юртимиз шифокорларига “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони топширилди.

Шунингдек, тадбирда қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва хорижий ҳамкорларнинг конференция иштирокчиларига йўллаган видеотабриклари намойиш этилди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Хафталик

Ўзбекистон маданий мероси дунё эътиборида

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 18 – 26 октябрь кунлари Ўзбекистонда Халқаро маданий мерос ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирдан мақсад маданий-маърифий соҳада халқаро мулоқот ва ўзаро билим алмашишни кенгайтириш, чет эллик ҳамкорлар билан янги қўшма лойиҳаларни тасдиқлаш бўлиб, улар мамлакат маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш учун йўналтирилган. Ҳафталикда маҳаллий ва хорижий давлатлардан экспертлар, олимлар, тарихшунослар, турли соҳа ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашмоқда.

Тантанали очилиш маросимида мамлакатимизда бугунги кунда маданий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг билим ва маънавиятини янада бойитиш, уларнинг Ватанимиз тарихига қизиқишини орттириш, янги Ўзбекистоннинг халқаро имижини юксалтиришда муҳимлиги таъкидланди.

Очилишдан сўнг ҳафталик доирасида “Шарқ ренессанслари феномени: салтанатлар, динлар, шахслар ва тамаддулар” мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда хорижий бир гуруҳ олимлар ўз маърузалари билан қатнашди. Шунингдек, мавзуга доир лойиҳалар билан танишув ҳамда муҳокамалар бўлиб ўтди.

— Маскур ҳафталик жорий йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида ташкил этилган VIII халқаро конгресснинг давоми саналади, — дейди Бутунжаҳон ҳамияти бошқаруви раиси Фирдавс Абдухаликов. — Ушбу тадбирда ҳамкорлар билан 60 га яқин шартномаларни имзолашни режалаштирганмиз. Албатта, бу ишлар давлатимиз раҳбарининг маданий меросини ўрганиш ва сақлаш бўйича қилаётган сазй-ҳаракатлари ҳамда бу борада белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган.

Қайд этиш жоизки, ушбу ҳафталик дастури ўзида қатор тадбирларни жамлаган бўлиб, уларда илм-фан, маданият ва санъат соҳаси вакиллари долзарб мавзусалари билан чиқиш қилиши, турли мавзуларда мулоқотлар, давра суҳбатлари, муҳокамалар ташкил этилиши кўзда тутилган. Хусусан, “Ислон — инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва маърифатпарварликка элтувчи дин” халқаро илмий-маданий симпозиуми, “Маърифат нури: XIX–XX асрлар адабий ва илмий-маданий ислохотлари” мавзусидаги халқаро конференция, “Асрлар хазинаси: Ўзбекистон қўлэмалари” шарқшунослар халқаро форуми, “Биринчи Ренессанс кашфиётларининг ҳақон цивилизацияси ривожига таъсири” элларо илмий йиғини, “Янги Ўзбекистон — учинчи Ренессансинг инновацион қутубхонаси” мавзусидаги халқаро анжуман ҳамда “Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасидаги ислохотлар” халқаро форуми шулар жумласидан.

Шу билан бирга, ҳафталик давомида Тошкентдаги бир қанча масканларда кўргазмалар ташкил этилади. Жумладан, Ўзбекистон давлат тарихи музейида “Археология ва этнография дурдоналари”, “WOSCU” конференция-залида “Қурбон: тинчлик, эзгулик ва маънавий уйғониш ёғдуси”, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Асрлар хазинаси: Ўзбекистон қўлэмза мероси”, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида “Тарихий фикр дурдоналари” кўргазмалари бир вақтинч ўзида очилади. Шунингдек, Адиллар хиёбони бўйлаб экскурсия ва Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида лойиҳалар кўргазмаси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ОНАДЕК МЎЎТАБАР ТИЛИМИЗ

Кейинги йилларда миллий гуруримиз, ўзлгимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантиришга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аънава ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш”дек улугвор мақсад кўзда тутилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги Фармони билан 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш дастури тасдиқланган. 2020 йилдан бошлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан расман 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунни этиб белгиланди. Тилимиз байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямиз қаторида давлатнинг муҳташам рамзи сифатида мунтазам эъзозланмоқда.

Инсон боласи, аввало, ўз тилида ўзини билдиради. Она тили орқали ташқи дунёни идрок этади. Унинг тилига нописандлик билан қараш ҳамиятига тегади. Яқин ўтмишда биз бунга гувоҳ бўлдик. Тилсиз миллий руҳ деган бемисл тушунчанинг моҳияти тамоман муаллақлашади. Миллий руҳ ҳамда миллий тафаккурсиз эса ўзини ва ўзлик дейиладиган бетақдор оламини кўрмоққа, саломат сақламоққа ҳеч бир миллатнинг, ҳеч бир давлатнинг қурби етмайди. Маърифатпарвар бобомиз Авлоний: “*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тили йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур*”, деб бежиз айтмаган.

Тилимиз софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш фақат тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир.

Юқорида тилга олганимиз олий ҳужжатларда ўттиз йилда қилинган ишлар мухтасар бир тарзда сарҳисоб этилган ва жадал суръатларда амалга оширилиши мутлақо зарур, даврнинг ошигич тақозоси бўлган ишларнинг бениҳоя қамровли ва аниқ тарҳи чизиб берилган. Ўтган йилларда юртимизда бу борада айна тарҳ ўзанида амалга оширилган ишларнинг нақд натижалари барчамизнинг кўзимиз ўнгиди.

Дарҳақиқат, миллат руҳининг, ақлий салоҳиятининг, зехний идрокиннинг тириклиги, тийрақлиги ва умрбоқийлигини таъминлашдаги фавақулдада улкан мақсад ҳадафи юртинг, зиёлидир ёки бошқа бир соҳа вакилидир, барчадан муваззам ва мунтазам сафарбарликни талаб этади. Онани севмайдиган одам бўлмаганидек она тилини севмайдиган одам ҳам инсонлик рутбасидан узоқдадир...

— Бугунги кунда ҳар бир ташкилот раҳбарининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси бор. Колаверса, Вазирлар Маҳмадасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолият олиб бормоқда. Ушбу янги тизимнинг самарадорлиги қандай?

— Давлат идораларида давлат



тилини ривожлантириш бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилгани тилимизнинг расмий доираларда қўлланиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, четдан кириб келаётган янги атамаларни миллий лисонимиз табиғатиға уйғунлаштириш, умуман, давлат тилининг рост ва расо ўзгаришлардан юршишга қўмаклашишга қаратилган. Шубҳасизки, бу давлат тилида иш юритиш, истезмолда ўзбек тилининг ўрнини мустаҳкамлаш учун катта имконият. Аммо қорхона ва муассасалардаги маслаҳатчилар фақат техник ишлар — тахрир ва таржима қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Маслаҳатчилар давлат тилига оид қонун ҳужжатлари ҳамда дастурлар ижросини ташкиллаштириш, ушбу қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ва танқидий ўрганиш, бу борадаги аниқланган муаммоларни бартараф қилиш чораларини кўриш, давлат тилини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатишга, тилимиздаги софлик сақланиши.

Оддий мисол: кўчаларимиз, ҳар хил идоралар, савдо тармоқлари, хуллас, ҳамма жойда кўзга ташланиб турадиган ёзувларни олайлик. Юз фоиз маҳаллий аҳоли яшаётган жойларда ҳали ҳам бу ёзувлар ажаний тилда эканига нима дейиш мумкин?! Ҳар бир маслаҳатчи ўз ҳудудидидаги ташқи ёзувлар, жумладан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа матнларнинг давлат тили ва рекламаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлашга масъул бўлса, соҳада ўзгаришлар жадал кечади.

Тўғри, ўзбек тилидаги барча чет сўзни ҳайдаб чиқаришдан, ҳар қандай ажнабий атамаларга қашлик билан қарашдан, унга ўзбекча муқобил излаётганидан фойда йўқ. Масалан, бутун дунё морфология, синтаксис, математика, физика, теорема деб турганда, биз уларни суный ясама сўз билан ифодалашимиз мантиқсизлик. Барибир фан ва технологиядаги ютуқлар кашфиётчининг исми ёки тадқиқоти номи билан тилимизга кириб келиши лаваради. Биргина Алгоритмнинг “Ал-Хоразмий”, Авиценнанинг Ибн Сино эканини эслашнинг ўзи кифоя. Масалан, “Мерседес”, “Самсунг”, “Сони” каби бир тилининг сўзлари бутун дунё тилларига кириб борган бир пайтда биз институт сўзини олиёғоғла алмаштириб изза бўлганимиз етмаганидек яна баҳсга киришимиз мутлақо кераксиз. Унгача маркетинг, менежер, брокер, бартер каби янги сўзлар тилимизга кириб келиб бўлди. Адабий тилимизнинг ривожига фақат атамаларга боғлиқ эмас. Сўз бойлигимиз ҳам жуда муҳим.

Айтиб ўтганимдек, юртимизда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш борасида янги босқич бошланди. 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепция ва махсус дастур қабул қилинган. Маслаҳатчилар шу кўрсатмалар асосида изчил ҳаракат олиб бориши керак.

— Қонунга биноан давлат ташкилоти, муассасаларида

иш юритилиши давлат тилида олиб борилиши белгиланган. Аслида бу халқимизга энгиллик яратиши керак. Аммо бугун ўзбек тилини иккинчи даражали тил деб билладиган мутасаддилар ҳам йўқ эмас... Умуман, ҳамиятда давлат тилининг нуфузини янада ошириш, бу борада мавжуд тўсиқларни бартараф этиш бўйича Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори институти нима ишлар қилмоқда?

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан институтимиз таркибида Социоллингвистика бўлими ташкил этилган. Бу бўлимининг асосий вазифаси тил ва ҳамият таносиби, ана шу таносиб кесимида ўзбек тилининг ривожланиши билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ва кенгайтиришдан иборат. Институти-миз томонидан давлат тилида иш юритишга жадал ва тўла ўтишга қўмак берадиган турли амалий қўлланмалар, рисолалар, луғатлар тайёрланиб, кўп минг нусхаларда нашр этилмоқда. Энди ўзбек тилини ҳеч бир истисносиз ҳаётимизнинг барча соҳасида расмий

турк одобсизлик қилди, ахлоқсизлиги учун уни жазоланглар!” дея буйруқ беради. Шунда Форобий: “Мен ҳеч қандай гуноҳ қилмадим, нима учун мени жазолайсиз?” деб сўрайди. Ҳайратга тушган ҳоким: “Бу тили халқ орасида ҳеч ким билмас эди, сен қаердан ўргангансан?” деганда, Форобий: “Мен кўп тилларни ўрганганман”, деб жавоб беради. “Иккинчи муаллим”ни таниб қолган ҳоким олимдан уэр сўрайди.

Ҳатто олти тилли луғат тузган маърифатпарвар Исоқхон Иброт ҳам айтади: “*Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилини билиш учун сазй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир*”. Демак, бегона тилни ўзликни бой бериб эмас, ўзликда собитлашиб ўрганиш ақлининг ишидир. Чунки она тилига меҳр-муҳаббат, тилдан завқланиш оиладан, яъни бола бир-икки сўзни “чуғурлаш” бахтидан сармаст бўлганда бошланади. Боғчага борғач, қайси тил ўргатилса, у шу тилдан намуна олади. Оддий мисол, у ёки бу шевада тили қотган болани адабий талаффузга ўргатиш учун қанча куч сарфланади. Ҳатто тил ва адабиёт ўқитувчилари айтийлик,

Шаҳарларда шева “тили”ни йўқотиш эҳтимоли юқори. Догистонликларда ажойиб нақл бор: биз шаҳарлик болаларни таътилда қишлоққа жўнатамиз, улар ўз она тилини ўрганади. Қишлоқдаги тенгдошлари эса улардан рус тилида гапиришни ўзлаштиради. Катта шаҳарлардаги япон мактабларида шевалар болаларга бошланғич синфданок ўқитилади. Бола ёшлигидан тилининг тотти ва жозибасини ҳис қилиб улғаяди.

Ўзбек файласуф олими ва ҳаваскор ошпаз Карим Маҳмудов Қаҳҳор домлага галдаги таомномасининг қўлэмзасини беради. Ёзувчи ундан “икра” нима деб сўрайди. Муаллиф “балиқнинг туҳуми” деса, “балиқ товук эмас-ку, бошқа номи бўлиши керак”, дейди ёзувчи. “Балиқнинг уруғи” десақ бўлмайдими”, деса, “Балиқ ўсимлик ҳам эмас-да, балиқ билан шугулланадиган жойларга бериб сўра”, дейди. Муаллиф Аму-дарё бўйларига бориб, буни “увулдирик” эканини билади. Шу биргина мисолдан ҳам тилимиз қудратини қайлаш мумкин.

— Бугунги интернетнинг замонавий тили ўзбек тили меъёрлари, жонли мулоқотига қай даражада таъсир кўрсатмоқда?

— XVI асрда Акбаршоҳ томонидан бир гаройиб тажриба ўтказилган. Улуғ шоҳ “Бирон-бир тилга ўргатилмаган одамнинг табиий тили яҳудий тили бўлади”, деган гафрийллий гапни аштиб қолади. Ўн иккита болани ажратиб, Аградан олти миш узоқликдаги қалъага жойлаштиради. Уларни тарбиялаш-ти ўн икки соков энагага топширади. Тилсиз қоровулга қалъа дарвозасини очиш қатъиян тақиқланади. Болалар ўн икки ёшга етганда, шоҳ болаларни ҳузурига келтиришни буюради. Хинд файласуфлари бу болаларнинг тили санскрит (қадимги хинд тили)ча бўлиб чиқади, деб ўйлайди. Аммо болалар шох ҳузурига келтирилиганда, барча ҳайратдан қотиб қолади. Чунки бола бечоралар ҳеч бир тилда гапирмас эди. Улар ўз энагаларидан фикрларини фақат турли имо-ишоралар билан ифода-лаб муомала қилишни ўрганганди.

Бугунги ижтимоий тармоқлар энагалари имо-ишорали белгилар. Бу усул жонли мулоқотга ҳам кўчган. Бир ҳафта давомида стикерлар билан мулоқот қилган одам буни сўз, ибора сифатида талқин этади. Ўйлайманки, оддий стикер — белгилар оғзаси нутқ ўрнини босолмайдми. Стикерлар шунчаки ўйин, эслатма ҳолос. Интернет даврида ўсган болалар ҳатто ота-онаси билан мулоқот қилишни унуту-ти қўшмоқда. Натижада маънавияти қашоқ, миллий қадриятларга ўта нописанд, Шарққа ҳам, Ғарбга ҳам сиймайдиган қучмал ва палагда “маданият соҳиблари” шаклланмоқда. Интернет тармоғи Шарқда бениҳоя мўътабар ҳисобланган отани фарзандларнинг ўртоғига айлантирди. Отага “сен” деб мурожаат қилиш ҳам шу ижтимоийлашув маҳсулидир.

Тилимиз онадек мўътабар ва муҳтаман. Ватанимиздаги жадал ва кенг қўламли ислохотларнинг бугунги босқичида, маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бугунги паллада қонун мажбурияти билан эмас, балки миллий ўзлгимизнинг пойдоғлигини таъминлаш заруриятини чуқур англаш эҳтиёжи билан она тилимизга муносабатда бўлиш, унинг яшashi ва тараққиёти учун курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

РЕКЛАМА

Hurmatli mijoz!

“Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki Bank boshqaruvinig 2024-yil 2-oktabrdagi №143-2-qaroriga asosan Toshkent shahar boshqarmasi tasarrufidagi Chilonzor bank xizmatlari markazi yopilganini ma’lum qiladi.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятта келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.12 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6